

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА НАРГИЗА АБДУГАФУРОВНА

**БИОЛОГИЯ ФАНИНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (8-9 синфлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy on pedagogical
sciences**

Каримова Наргиза Абдугафуровна

Биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш методикасини
такомиллаштириш(8-9 синфлар мисолида)..... 3

Каримова Наргиза Абдугафуровна

Совершенствование методики профессионально ориентированного
преподавания предмета “Биология” (на примере 8-9 классов)..... 23

Karimova Nargiza Abdugafurovna

Improving the methodology of biology as a career guidance
(for example, in grades 8-9)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА НАРГИЗА АБДУГАФУРОВНА

**БИОЛОГИЯ ФАНИНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (8-9 синфлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PHD/Ped.794 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cspi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашева Гулрухсор Сурхониidinovна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Файзиев Воҳид Баҳромович
биология фанлари доктори, доцент

Норбўтаев Хўшбок Бобоназарович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабри соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.) Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi - kengash@umail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (63 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» декабри кун тарқатилди.
(2021 йил «11» декабри даги 75 - рақамли регистр баённомаси).



Ж.Э.Усаров

Илмий даражага берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д.

Д.М.Махмудова

Илмий даражага берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов

Илмий даражага берувчи илмий кенгаш ўшидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PHD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ёшларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш халқаро ҳаракати WorldSkills International томонидан касб танлаш ва касбий кўникмаларни ривожлантириш соҳасида глобал йўналишларни белгилаш, жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқликда янги касбларнинг пайдо бўлиши, шахсий ва ижтимоий аҳамиятлиликка эга инсон капиталини яратиш, касбий ижтимоийлашувнинг мослашувчан механизмларини ишлаб чиқиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, умумий ўрта таълим мактабларида компетенциявий ёндашувни кенг жорий этиш орқали фанларни касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш орқали мақсадли касбга йўналтиришнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади. Умумтаълим фанларини касбга йўналтириб ўқитиш ўқувчиларни меҳнат бозорига мақсадли тайёрлаш, табиий лаёқатини тўлиқ рўёбга чиқариш, таълим олувчиларда креатив тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади.

Жаҳонда ўқувчиларда касб танлашга мақсадли йўналтириш, касбий ижтимоийлашув орқали ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, табиий фанларни касбга йўналтириб ўқитиш орқали таълим олувчиларда ҳаётий компетенцияларни ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, биология соҳасининг кўп тармоқли эканлигини ҳисобга олган ҳолда, умумий ўрта таълим давриданок касбга йўналтириб ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг касбий идентиклигини (бирхиллаштириш) белгилаш орқали биология фани бўйича вариатив ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш, келажакда ўқувчиларнинг ўзи танлаган касбида биологик билимлардан самарали фойдаланиш лаёқатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида табиий, шу жумладан, биология фанини интегратив-касбий ўқитишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларда метакомпетенцияларни ривожлантиришнинг методик жиҳатларини касбий кўникмаларга устуворлик бериш асосида аниқлаштириш муҳим долзарблик касб этади.

Республикамизда миллий таълимни модернизация қилиш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитда касбга йўналтириш ишларини самарали ташкил этиш, узлуксиз таълимда касб-хунарга йўналтириш самарадорлигини ошириш, эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича “профессional таълим”¹ даражаларини амалга ошириш, психологик-педагогик ташхиснинг аҳамиятини ошириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, “Профессional таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмагани, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган

¹Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.

кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашига тўсқинлик қилмоқда². Шу нуктаи назардан, умумий ўрта таълим муассасаларида касбга йўналтириш ишларининг самарали методикаларини ишлаб чиқиш, бу жараёнда биология фани ўқитувчиларини касбга йўналтириш соҳасида методик тайёргарлигини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривож-ланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда ўқувчиларни касбга йўналтириш, касбга қизиқишини оширишнинг психологик-педагогик асослари Х.Рашидов, Ш.Шарипов, У.Иноятлов, Д.Арзиқулов, Р.Асамова, Ш.Неъматов, биология ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва биология дарсларида ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг ташкилий-методик асослари О.Мавлонов, Ж.Толипова, Г.Эргашева, А.Рахимов, С.Нажимова, И.Азимов, Н.Тошманов, Ш.Хасанова, Л.Қорахоновалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида ўқувчиларни касбга йўналтириш, касб танлаш, касбий ўзи-ўзини белгилаш, маслаҳат бериш, касбий диагностика масалалари Л.Андреева, В.Белов, Т.Дусь, Е.Климов, А.Мельникова, Н.Пряжников, Е.Пряжникова, И.Сазонов, В.Топоровский, С.Чистякова, И.Шаршов; биология соҳасида касбга йўналтириш муаммолари Е.Деларова, Л.Дудина, Н.Еремеева, Е.Кидямкина, Н.Малиновская ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижий давлатларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш, касбий ўз-ўзини англашни шакллантиришнинг дидактик жиҳатлари бўйича А.Arens, S.Brown, S.Blanchard, S.Lam & E.Hui, Lan Yang, S.Leung, H.Marsh, O.Negru-Subtirica & E.Pop, F.Preckel, A.Watts, L.Wong ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида <https://lex.uz/docs/4500926>

Юқоридаги манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, олимлар томонидан мактабда касбга йўналтириш ишларининг асосий мақсадлари, вазифалари, таркибий компонентлари, психология соҳасида касбий ўзини ўзи белгилаш, психологик, психологик-физиологик методикалар, касбга йўналтиришнинг асосий шакл ва методлари тадқиқ этилган бўлса-да, биология дарсларида касбга йўналтириш методикаси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-148 “Касбий таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълимда биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш жараёнининг моҳияти ва методик жиҳатларини ёритиб бериш;

биология фанини касбга йўналтириб ўқитишда интегратив ёндашувнинг методик имкониятларидан фойдаланиш мазмунини очиб бериш;

биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг ташкилий-педагогик моделини ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш жараёни бўлиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги 267-, Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 18-, Фарғона вилоятининг Қўштепа туманидаги 47-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг 359 нафар 8-9 синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-педагогик, методик манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш, кузатиш, анкета, тест, касбий диагностик методикалар, педагогик эксперимент (тажриба) ва математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълимда биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг методик ўзига хос хусусиятлари мазкур жараёни ташкил этиш билан алоқадор тизимли-функционал, комплекс, табақалаштирилган ёндашувларни касб танлашга доир “Мен хоҳлайман”, “Мен қила олишим керак”, “Мен қиламан” классик учлик тизимни биологик таълим мазмуни билан диалектик уйғунлашувга эришиш имкониятини кенгайтириш орқали аниқлаштирилган;

биология фанини касбга йўналтириб ўқитишда интегратив ёндашувнинг методик имкониятларидан фойдаланиш жараёни цитологик, генетик, эволюцион, экологик соҳа билан алоқадор “одам-табиат” таснифига алоқадор

касб-ҳунарларни биологик таълимнинг анъанавий ва инновацион шакллари билан интеграциясини таъминлаш, касбий фаолиятга йўналтирилган ўқитиш тизимини хусусий-методик даражасини интенсив лойиҳалаш алгоритмининг адаптивлигини жадаллаштириш аниқлаштирилган;

биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг ташкилий-педагогик моделини амалий компоненти модулли машғулотнинг идентив мақсадларини аниқлаштириш, кутиладиган натижаларга мос тарзда касбий-ўқув топшириқларини педагогик лойиҳалаш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги таксономик идентиклигини билимларни тўлиқ ўзлаштириш технологиясига мувофиқлик даражасини босқичма-босқич ошириб бориш орқали такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг интерфаол тизими муаллифлик электрон-услубий мажмуани интерфаол ўйинли дарслар ва виртуал экскурсияларни касбий фаолиятга тайёргарликнинг индивидуал, гуруҳли, оммавий иш шаклларига татбиқ этиш орқали идентификация жараёнларининг жадаллиги барқарорлигини мунтазам таъминлаб бориш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биология фанини касбга йўналтириб ўқитишга доир интерфаол машғулот ишланмалари яратилган;

биологик таълимнинг анъанавий ва инновацион шакллари билан интеграциясини таъминлашга йўналтирилган “Биология дарсларида ўқувчиларни касбга йўналтириб ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма нашр этирилган;

биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг интерактив дастурий воситалари яратилган;

биология фанини касбга йўналтириб ўқитишга доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда биология таълимига доир хусусий ёндашувларга асосланилганлиги, бирламчи манбалар асосида биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш жараёнларининг назарий асослари таҳлил этилганлиги, тажриба-синов ишларининг табиий шароитларда амалга оширилганлиги, тадқиқот натижаларининг реал таълим амалиёти билан уйғунлиги, тажриба-синов ишларининг статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг таълим-тарбия амалиётига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълимда биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш жараёнларининг моҳияти ва методик жиҳатларини ёритиб берилганлиги, биология фанини касбга йўналтириб ўқитишда интегратив ёндашувнинг методик имкониятларидан фойдаланиш мазмунининг очиб берилганлиги, интегратив ёндашув асосида биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг методик тузилмасининг аниқлаштирилганлиги, цитологик, генетик, эволюцион, экологик соҳа билан алоқадор “одам-табиат” турига мансуб касбларни дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида

ўқувчиларга ўргатиб бориш йўллариининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг ташкилий-педагогик моделини ишлаб чиқилганлиги, умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш йўллариининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш, касб танлашга тўғри йўналтириш, мойиллиги ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда касбий қобилиятини диагностика қилиш методикалари модификацияланган вариантларининг ишлаб чиқилганлиги, “Биология дарсларида ўқувчиларни касбга йўналтириб ўқитиш методикаси” ўқув кўлланмаси ва “Мустақил касб танлаш” электрон тизими яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биология фанини касбга йўналтириб ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумий ўрта таълимда биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг методик ўзига хос хусусиятларини мазкур жараённи ташкил этиш билан алоқадор тизимли-функционал, комплекс, табақалаштирилган ёндашувларни касб танлашга доир “Мен хоҳлайман”, “Мен қила олишим керак”, “Мен қиламан” классик учлик тизимни биологик таълим мазмуни билан диалектик уйғунлашувига эришиш имкониятини кенгайтириш орқали аниқлаштиришга доир таклифлардан ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директорининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 46-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Устоз-шогирд” анъанаси бўйича ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва малакаларини ошириш бўйича йўриқномасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 28 октябрдаги 01/11-02/02-1524-сон маълумотномаси). Натижада, биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

биология фанини касбга йўналтириб ўқитишда интегратив ёндашувнинг методик имкониятларидан фойдаланиш йўллариини аниқлаштириш, биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг ташкилий-педагогик моделининг амалий компонентини модулли машғулотнинг идентив мақсадларини аниқлаштириш, кутиладиган натижаларга мос тарзда касбий-ўқув топшириқларини педагогик лойиҳалаш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги таксономик идентиклигини билимларни тўлиқ ўзлаштириш технологиясига мувофиқлик даражасини босқичма-босқич ошириб бориш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0910185149. “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 89-03-5228-сон маълумотномаси). Натижада, биология таълими орқали ўқувчиларда касбий

фаолиятга йўналтирилган кўникмаларни шакллантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг интерфаол тизимини муаллифлик электрон-услубий мажмуани интерфаол ўйинли дарслар ва виртуал экскурсияларни касбий фаолиятга тайёргарликнинг индивидуал, гуруҳли, оммавий иш шаклларига татбиқ этиш орқали идентификация жараёнларининг жадаллиги барқарорлигини мунтазам таъминлаб бориш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Касбим-келажагим” номли ягона касбий ахборот платформасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 28 октябрдаги 01/11-02/02-1524-сон маълумотномаси). Натижада, биология фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг электрон-методик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусини ўзида акс эттирган 26 та номдаги иш нашр қилинган. Улардан 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма ва “Мустақил касб танлаш” номли электрон тизим (DGU гувоҳномага эга) тадқиқот доирасидаги асосий методик маҳсулотлар ҳисобланади. Шунингдек, 7 та нуфузли хорижий нашрларда ва 4 та Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия этилган илмий журналларда салмоқли мақолалар нашр этирилган. Шу билан биргаликда хорижий, Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуман материалларида ҳамда илмий мақолалар тўпламларида 12 та тезис ва мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, 120 саҳифа матндан фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Биология таълимида ўқувчиларни касбга йўналтириш муаммосининг назарий таҳлили”** деб номланган биринчи бобида ўқувчиларни касбга йўналтириш учун ижтимоий-иқтисодий, психологик, педагогик ва тиббий-физиологик вазифаларни ҳал қилиш учун

масъул бўлган давлат муассасаларининг ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларига мос келадиган илмий ва амалий фаолиятининг кўп ўлчовли, ажралмас тизими, жамиятнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжи ёритилган.

Касбга йўналтириш ишларининг мақсади ўқувчига фаолият соҳасини танлаш, ўша соҳада эса унинг қобилият ва имкониятларига жавоб бера оладиган касбни танлашда кўмаклашиш ҳамда касбга бўлган қизиқиш ва иштиёқини оширишида ёрдам кўрсатишдан иборат. Бошқача айтганда, касбга йўналтириш мақсадли фаолият бўлиб, жамият эҳтиёжлари, ўқувчиларнинг иштиёқи, касбий қизиқишларни шакллантириш билан боғлиқдир.

Биология таълимида ўқувчиларни касбга йўналтириш муаммосини замонавий талқин этиш ва методик жиҳатдан такомиллаштириш муаммосини ушбу жараёни замонавий ёндашувлар асосида ўрганишни талаб этади. Кўплаб касб вакиллари табиат билан ҳамкорликда ишлайди. Буларга: ўсимликлар ва ўсимликларни етиштириш, ҳайвонлар ва чорва моллари, ўрмон хўжалиги, инсон танаси, хужайра, микроорганизмлар ва атроф-муҳит билан боғлиқ касблар киради. Биология фан сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамай, қуйидагиларни ташкил қилиш мумкин:

биология фанидан назарий материални ўрганиш жараёнида касбий таълим;

лаборатория машғулоти пайтида, амалий топшириқларни бажаришда, масалалар ечишда биология билан боғлиқ касблар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш;

касблар ва ишлаб чиқариш тўғрисида маълумот берувчи иншолар, хабарлар ва маърузалар ёзиш,

корхоналарга, муассасаларга ва бошқа ташкилотларга ўқув экскурсиялари уюштириш ва ҳақозолар. Ушбу хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва маълум бир изчиллик борлигига амин бўламиз. Касбий ахборотлар соҳасида олиб бориладиган ишлар касбий маслаҳат, касбий танлаш ва касбий мослашув ишларидан олдин амалга оширилади.

Ўқувчиларни онгли равишда касб танлашга йўналтиришда мактабда ўқитиладиган фанлар муҳим аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида иккита асосий вазифа амалга оширилади: ўқув фанлари бўйича барқарор қизиқишларни шакллантиришга асосланган касбий мотивацияни ривожлантириш; иккинчидан, мувофиқ ақлий қобилиятларни такомиллаштириш. Биология, ўқув предмети сифатида, чуқур илмий салоҳиятга эга бўлиб, мактаб ўқувчиларини ҳар хил касбий фаолиятларга: қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, экология, биотиббиёт саноати, биологик кибернетика, биофизика ва бошқа соҳаларга йўналтиришга имкон беради.

Болаларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ энг қулай вақтни ўтказиб юбормаслик керак. Бу даврда инсонлар ҳаётида меҳнатнинг маъносини англаш, ҳурмат, меҳнатга муҳаббат каби умумий, аммо барқарор йўналиш шаклида келажакда касбий рағбатлантириш учун асос қўйиш мумкин. Ўша пайтда, асосий йўналишлар аллақачон белгиланиши мумкин, шу билан бирга, уларнинг келажакдаги касбга муносабати билан боғлиқ энг хилма-хил мотивлар шаклланади. Айнан тадқиқот объекти ҳисобланган 8-9-синфларда ушбу

стереотипни ҳар хил касбий материалларда пайдо бўлган касбий манфаатларга мувофиқ равишда ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи тарбиялашни касбий қизиқишлар билан бирлаштириш керак. Шунини таъкидлаш жоизки, 10-11-синфларда етакчи мотивларни ривожлантириш жуда муҳим, ўз қизиқишлари доирасида ўз кучини амалий синаб кўриш, касб талаблари ва ўқувчининг қобилиятлари ўртасидаги мувофиқликни аниқлаш бўйича иш олиб бориш ва шу билан бирга, барқарор танлаш позициясини шакллантириш жуда муҳимдир, чунки айнан шу даврда касбий ўзини ўзи аниқлаш жараёни яқунланади.

Мана шу жараёнда асосий кўзланган мақсадга мактаб ўқувчилари билан фаол аниқ, мақсадли иш олиб бориш, уларнинг ҳақиқий қизиқишлари ва қобилиятларини, шахсий мойиллигини аниқлаш, шунингдек, улар яшайдиган шаҳар, туман, қишлоқ эҳтиёжларига жавоб берадиган касбни тўғри танлашга ишончни шакллантириш орқали эришилади. Шу сабабли, педагогик нуқтаи назардан, касб танлашнинг самарадорлиги шахснинг касб танлашини ўқитувчининг тавсияларига мувофиқлигини ўлчашни англатади. Шу билан бирга, педагогик тавсиялар ҳам шахсий, ҳам ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олишга асосланган деб тахмин қилинади. Шунга кўра, ўқувчилар улар томонидан тавсия этилган касбларни қанчалик кўп танласа, ўқитувчилар ва мактабларнинг касбга йўналтириш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Диссертациянинг **“Биология дарсларида ўқувчиларни касбга йўналтириб ўқитиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида мактабларда касбга йўналтириш ишлари таълим ва тарбиявий жараённинг узвий қисми сифатида ёритилган, касбга йўналтиришда фан ўқитувчисининг етакчи роли асосланган.

Мактабда ўқув жараёнини ташкил қилишда, фан ўқитувчиси касбга йўналтиришга алоҳида эътибор бериши зарур. Бундан ташқари, ҳар бир фанда ушбу фаолият ўзига хос хусусиятларга эга. Табиий объектлар билан ишлаш истагини шакллантириш учун «Биология» фани доирасидаги ташкилий ва педагогик фаолият технологиясини кўриб чиқамиз. Ушбу технология қуйидагича ифодаланади:

ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда табиатни асраш тамойилига амал қилиш (табиат яшаш муҳити сифатида; табиат носфера, биоэнергетика ҳақидаги тасаввурлар нуқтаи назаридан; шахс табиати, унинг соғлиғи, тур сифатида фаоллиги ва бошқалар);

табиатни муҳофаза қилиш ва экологик тарбия йўналишида, маънавийтни тиклашга эътибор қаратиш;

табиат ва коинотга қизиқишни шакллантиришда биологиянинг ҳар бир бўлимининг имкониятларини таҳлил қилиш;

амалий фаолиятда табиий объектларга, барча тирик мавжудотларга нисбатан билиш, раҳм-шафқат орқали муҳаббат руҳида тарбиялаш;

табиатга, қишлоқ хўжалигидаги меҳнатга жозибадор, юқори маънавий ва иқтисодий даромадли меҳнат сифатида ижобий муносабатни шакллантириш (айниқса, бозор шароитида);


биологик соҳани афзал кўрган мактаб ўқувчилари орасида табиатда муваффақиятли ишлаш учун зарур бўлган касбий муҳим фазилатларнинг ривожланиш даражасини таҳлил қилиш. Мазкур жараёнда ўқитувчи касб тарғиботини ўқув фани мазмуни билан узвий ва режали асосда боғлайди, шу билан бирга, ўқувчининг замонавий касблар дунёсининг турли жиҳатлари ҳақида хабардорлигини оширишда кўмаклашади.

Умумий ўрта таълим мактабларида «Биология» фанларини ўқитишда ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш муаммоси бевосита уларнинг келажакда касб танлаш ва ўқишни танлаш муаммосига дуч келиши билан боғлиқ. Буни касбга йўналтиришга оид билимларни олиш эҳтиёжи бўлган юқори синф ўқувчилари билан ўтказилган таъкидловчи тажриба-синов ишларига оид маълумотлар тасдиқлайди. Шу сабабли биология таълими амалиётини бойитиш ва ўқувчиларга касбни онгли равишда танлаш имкониятини бериш учун умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитишда касбга йўналтириш методикасини ишлаб чиқиш зарур. Касбга йўналтириш усуллари буюртма қилинган тизим сифатида кўриб чиқиш учун объектни яхлитлик ва барқарорлик билан ўзаро боғлиқ элементлар тўплами сифатида ўрганишга имкон берадиган тизимли ёндашувдан фойдаланиш керак.

Ўқувчиларни биология билан боғлиқ касб ва мутахассисликлар билан таништириш давомида, уларга касбий фаолият моҳияти ҳақида, у ёки бу мутахассислик ишларида зарур бўлувчи муҳим касбий фазилатлар ҳақида сўзлаб берилади. Бу нафақат ўқувчиларга касблар олами билан танишишга, балки танловда қатъий бир фикрга келишларига ҳам ёрдам беради. Чунки танланган касб талаблари ва шахсий белгиларнинг ўзаро нисбати ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.


“Биология” фани бўйича 9-синф курси мактабда биология фанини ўрганишга яқун ясаб берар экан, ўқув йили охирида касбга бўлган қизиқишини аниқлаб берувчи сўровнома ўтказиш тавсия этилади (А.Е. Голомштокнинг “Қизиқишлар харитаси” методикаси). Бу болаларнинг бўлажак касблари ҳақида бош қотиришларига ундайди, юқори синфларда ихтисослик таълимини аниқроқ танлашига кўмак беради. 9-синф ўқувчиларини ихтисос-олди тайёрлаш жараёнида турли-туман касбга нисбатан илк қизиқишни ҳосил қилишни мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Бу босқичда ўз касбини ўзи аниқлашдаги катта роль нафақат дарс, балки курснинг танланишига нисбатан ҳам белгиланади. Мазкур курсларнинг кенг танлови қизиқишларни аниқлашга, ўқувчилар имкониятини текширишга ёрдам беради. Бу курсларни ташкил қилиш таркиби ва шакли нафақат у ёки бу фан бўйича ўқувчиларнинг билимини оширишга, балки юқори синфларда ихтисослик таълимини ўзлари танлай олишига кўмак берувчи машғулотларни ташкил қилишга қаратилган. Улар қисқа муддатли ва алмашилиш характерига эга, билим соҳасини кенгайтиришга кўмак берувчи ўқув модулидир. Бу модуллар қизиқиш, иқтидор, ижодий индивидуалликни очишга қулай шароит яратади, касбни аниқлашга ёрдам беради, эгаллаш учун мактабда ўтилувчи биология курси керак бўлган касбларга болани йўналтирувчи биология ихтисослиги таълимини танлашга тайёрлайди.

Тизимли ёндашувнинг ўзига хос хусусияти объект яхлитлигини таъминловчи омиллари ўрганишга йўналтирилганлиги сабабли, касбга йўналтириш ишлари методикасининг барча таркибий қисмлари фаолияти самарадорлигини таъкидловчи бир неча омиллари ўз ичига олади: биология касбий мутахассислиги ижтимоий эҳтиёжлари; биология фани бўлимлари мазмунининг ўзига хослиги; биология, экология, тиббиёт соҳасидаги касбларнинг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги; ўқувчиларнинг индивидуал ва ёш хусусиятлари; биология ўқитиш методикаси шакл ва методларининг хилма хиллиги ва ўзига хослиги. Мазкур омиллари ўзаро узвий боғлиқ биология фанининг мазмунини акс эттиради (1-расмга қаранг):



1-расм. Касбга йўналтириш ишлари методикаси таркибий қисмлари омиллари ўзаро боғлиқлиги

Касбга йўналтириш усуллари буюртма қилинган тизим сифатида кўриб чиқиш учун объектни яхлитлик ва барқарорлик билан ўзаро боғлиқ элементлар тўплами сифатида ўрганишга имкон берадиган тизимли ёндашувдан фойдаланиш керак. Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитишда касбга йўналтириш ишлари методикасининг моделини ишлаб чиқиш имконини берди (2-расмга қаранг).



2-расм. Умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини касбий йўналтириб ўқитишнинг дидактик модели


Мактаб биология фани мазмуни ўқувчиларга нафақат биологик касблар ҳақида маълумот бериш, меҳнат предмети табиат бўлган касблар (ветеринар, агроном, биолог, боғбон ва бошқалар), шунингдек, касби жараёнида биологик билимлардан фойдаланиладиган, инсон-инсон турлари, инсон-техника, инсон-бадий образ типига касблар (биология ўқитувчиси, тиббиётдаги касблар, экология мутахассислари, флорист-декоратор ва бошқалар.) билан ҳам таништиради. Ушбу соҳада ҳам ўқувчиларни элементар касбий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш зарур. Шунингдек таъкидлаш зарурки, касбий таълим ўқувчиларни нафақат биологияга боғлиқ касблар олами билан таништириши, балки ўқувчиларнинг билиш ва касбий қизиқишларини ривожлантириши ва чуқурлаштириши лозим.

Дарсда касбга йўналтириш бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу мактаб ўқувчиларининг бир қатор амалий ва интеллектуал кўникмаларни эгаллашига, жонли ва жонсиз табиатдаги тирик ва нотирек объектлар, жамиятда содир бўлаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишига ёрдам беради.

Биология дарсидан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касбга йўналтириш таълим дастури мазмунини амалга ошириш натижасида (универсал ва махсус) компетенцияларни эгаллашнинг тўғри таъминланиши, ўқувчиларга индивидуал таълим дастурларини лойиҳалашни ўрганиш ва келгуси касб-хунар таълими дастурини ҳамда уни амалга ошириш учун билим олишни танлашга имкон беради. Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларни дарсдан ташқари машғулотларда касбга йўналтириш ишлари илмий ва ижтимоий лойиҳалар, тажрибалар, амалиёт (ишлаб чиқариш ва ижтимоий), экскурсиялар, тўғараклар, клублардаги машғулотлар ва бошқалар орқали амалга оширилиши самарали натижаларни бериши тадқиқот ишида ўз аксини топди.

Биология дарсларида кўрғазмалар, АКТ воситалари асосида ишлаб чиқариш жараёнларини тасвирлайдиган, уларнинг бутун атроф-муҳит учун хавфсизлигини акс эттирувчи намоёнушуларни ўтказиш яхши самара беради. Ушбу жараёнда жадваллар, диаграммалар, графиклар, стендлар, коллекциялар ва бошқаларни намоёнуш қилиш, шунингдек, видеофильмлар ва телекўрсатувларни ёзиб олиш каби техник ўқитиш воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Биология фанини касбий йўналтириб ўқитиш методикасини такомиллаштириш мақсадида (“Мустақил касб танлаш”) электрон-методик тизим яратилди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу электрон тизим ўқувчиларнинг касбий мойилликлари, қизиқишларини эрта диагностикалаш, мустақил касб танлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, касбий маслаҳатлар бериш, турли методикалар ёрдамида ўз касбий йўналишини тўғри йўлга қўйиш орқали ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини самарали ташкиллаштиришга хизмат қилади (3-расмга қarang).



3-расм. Касб танлаш стратегияси контентининг таркибий тузилиши

Касб танлаш стратегияси контентида касб танлашдаги хатоликлар, меҳнат бозори талаблари ва эҳтиёжлари, касб танлашдаги муваффақиятлар таркиби, қизиқишлар ва мойилликларни диагностикалаш, қобилиятлар ва касбий мувофиқлик материалларидан ташкил топган. Касб эгаллаш йўллари контентида касб танлаш мотивацияси, касбга эга бўлиш усуллари, касб-ҳунар таълими бошқичларига оид маълумотлар ўқувчиларни касбга йўналтиришда турли мотивлар, методлар ёрдамида муваффақиятли касб танлашга хизмат қилади. Шунингдек, кейинги контентда касбга йўналтириш бўйича дарс ишланмалари жойлаштирилган бўлиб, ўқитувчилар учун биологиядан касбга йўналтириш бўйича методик ишланмалар ва тавсиялар билан бойитилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур касб танлаш ва касбга йўналтириш контентида “Виртуал экскурсия (касб танлаш бўйича)” кўрсатмаси мавжуд бўлиб, ўқувчилар билан биргаликда касб танлаш соҳалари мавжуд муассасаларга онлайн саёҳат уюштириш, касб танлаш билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни кузатиш, ўрганиш ва кенг маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилади. Касб танлашга бундай ёндашув, ҳозирги кундаги пандемия шароитида ўқувчи-ёшларни виртуал ёки онлайн экскурсиялар ташкил этиш ва уни ўтказиш асосида касбга йўллаш мақсад ва вазифаларини эгаллашга амалий ёрдам беради.

Диссертация ишининг учинчи боби **“Тажриба-синов ишларининг мақсад-вазифалари, таҳлил натижалари”** деб номланиб, унда тадқиқот доирасида амалга оширилган тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, амалга ошириш бошқичлари ва асосий таҳлил натижалари келтирилган. Тажриба-синов ишлари учун Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 267-сонли, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 18-сонли, Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги 47-сонли мактаблари белгилаб олинган таълим муассасалари

белгиланган.

